


# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

ISSN 0103-6370

№9. 2011



Юрт ободлиги, халқ  
фаровонлиги йўлида  
астойдил меҳнат қилаётган  
бободехқонларимизни, соҳа  
ходимларини, барча  
халқимизни  
Мустақиллигимизнинг  
20 йиллиги билан самимий  
табриклаймиз.

Озодлик шукруҳи ва истиқлол  
нури қалбингизни мангу  
нурафшон айласин!

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

**ЎЗБЕКИСТОН  
ҚИШЛОҚ  
ХОЎЖАЛИГИ**

**(«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)  
Аграр-иқтисодий,  
илмий-оммабоп  
журнал**

**МУАССИС:**

**Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги  
вазирлиги**

**Бош муҳаррир:**

**Тоҳир  
ДОЛИЕВ**

**Таҳрир ҳайъати:**

**Зафар РЎЗИЕВ**

**Шерали НУРМАТОВ**

**Ҳамрой РАЗЗОҚОВ**

**Муҳаммадсўф ТЕШАБОЕВ**

**Баҳодир АБДУҚОДИРОВ**

**Саидкул АРАБОВ**

**Раҳимберди БЎРИЕВ**

**Фарҳод ОМОНОВ**

**Эркин ҚУДРАТОВ**

**Шамсиддин ЭСОНБОЕВ**

**2011 йил,  
№9 Сентябрь**

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

**ОБУНА ИНДЕКСИ:**  
якка обуначилар учун — 894  
ташкilotлар учун — 895

**МУНДАРИЖА**

Т.ДОЛИЕВ. Истиқлол саодати .....	1
Чорвачилик — фаровонлик манбаи .....	2
О.НОРБЕКОВ. Ислохотлар самаралари .....	4
Х.КАРИМОВ. Тарих яратиш бахти .....	6
Т.МУҲАММАД. Яшнаётган замин .....	7
М.АЛЛАЯРОВ. Довондан чўққига .....	8
Ниятлари эзгу, парвозлари юксак .....	9
Э. ҲАЙДАРОВ, Д. МАМАДИЁРОВ, Б. МУРАТОВ. ТошДАУ: илмий ишланмалар — амалиётга .....	10
Н.ОЛИМОВ. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш — устувор вазифа .....	11
У.ЖУМАЕВ, Ў.ҚАРШИЕВ. Қизилтепанинг билимдон ёшлари .....	12
У.ЖУМАЕВ, Ў.ҚАРШИЕВ. Қизилқум баҳодирлари .....	14
О.ЭЛ МИРЗО. Чироқчиликларнинг шижоати .....	16
Ш.ТЕШАЕВ, О.СИНДАРОВ. Пахтани ўз вақтида териш — ҳосил сифатини белгилайди .....	17
А. АМАНОВ, А. ҚУРБАНБАЕВ, Р. СИДДИҚОВ, З. ЗИЁДУЛЛАЕВ. Галла эксанг эрта эк .....	18
Р. ҲАКИМОВ, А.РАСУЛОВ. Ёз неъмат — қишга .....	19
Р. АБДУЛЛАЕВ. Боғбоннинг кузги юмушлари .....	20
Б. АЗИМОВ. Сабзавотчиликдаги долзарб вазифалар .....	21
Е.ЛЯН, М.НИЯЗОВ. Иссиқхоналарда кузги-қишки мавсумда сабзавот етиштириш .....	22
С.АҲМЕДОВА, И.МАССИНО. Жадаллашган усулда беда етиштириш .....	23
С.МАМАТОВ, Ф.ГАППАРОВ, Ж.АБДУЛЛАЕВ. Сув йўли сознинг иши ҳам соз .....	24
Т. САНАЕВ. Ҳуқуқ оламидаги ўзгаришлар .....	25
А.АМОНОВ, З.ЗИЯДУЛЛАЕВ, О.АМОНОВ, А.АБДУАЗИМОВ. Дон сифати — нон сифати .....	26
Х.НЕЪМАТОВ, С. БОБОЕВ, Р. ХАЙИТОВ. Маҳсулот сифати ва салмоғига эътибор .....	27
А. МАМАТАЛИЕВ. Соя: ҳам ҳосил, ҳам азот .....	28
Ш. ҲАЗРАТҚУЛОВ. Экологик деҳқончилик нима? .....	28
Б.МУРОДОВ. Фитосанитар тозалик йўлида .....	30
С.ИСАЕВ, Т.РАЖАБОВ. Сугориш ва сизот сувлар сатҳининг ўзгариши .....	31
Д.АХМЕДЖОНОВ. Применение водосберегающих технологий .....	32
Р.ТУРАХАНОВ, Р.МУРАТОВ. Продуктивность оросительной воды и дренаж .....	33
Ж.ХУДАЙНАЗАРОВ. Зависимость урожайности от количества подаваемой воды .....	34
Б. ХАЛИҚОВ. Пахта тозалаш корхоналарида товар-моддий захираларни бошқариш .....	35
У.ТУРСУНОВ. Фермер хўжаликлариди бошланғич ҳисоб .....	36
О.ПАРДАЕВ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва сотишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	37
Н.ИСАЕВА. Иқтисодиётни модернизациялашда банкларнинг роли .....	39
А.НОСИРОВ. Акциядорлик жамиятлари аудитида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари .....	40
М. БАКАЕВА. Инвестиция фаолиятини таъминлаш самарадорлиги .....	41
С.МАВЛОНОВ. Нуфузли илмий тадқиқот маскани .....	42
Ш. УМАРОВ, С. НАВРЎЗОВ. Пиллачилигимиз жонкуяри .....	43

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида 2007 йил 11 ян-  
варда 0158-рақам билан рўйхатга  
олинган.

**Манзилимиз:** Тошкент, 128,  
Кохота кўчаси, 75-уй.  
Телефон: 240-57-10.  
Факс: 240-57-17.

E-mail: qxjurnal@agro.uz

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2011 йил  
23 август. Босишга рухсат этилди:  
2011 йил 23 август. Қоғоз бичими  
60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига  
чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2.  
Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №64.  
Нусхаси 3300 дона.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа  
бўлимида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 1<sup>а</sup>-уй.

Навбатчи муҳаррир: Х.МИРЗАЕВ  
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА

# СУВ ЙЎЛИ СОЗНИНГ ИШИ ҲАМ СОЗ

*Тажрибали деҳқонлар сув йўллари равиш бўлишини эътиборда тутадилар. Зеро, қийналиб тайёрланган сув йўллари келгусида экинлардан мўл ҳосил олишига пухта замин яратади. Буни жорий йилда кузатиладиган сув танқислиги яна бир қарра тасдиқлади.*

Ҳозирги кунда пахта майдонларига сув бериш ниҳоясига етди. Дон экишга тайёргарлик ишлари олиб бориладиган паллада суғориш тармоқлари кам қувват билан ишлайди, баъзиларида эса сув бериш тўхтатилди. Бундай шароитда вақтдан унумли фойдаланиб суғориш тармоқларини келгуси мавсумга тайёрлаб олиш зарур.

Бунинг учун энг аввало:

- суғориш тармоқларидаги таъмирталаб иншоотларни аниқлаш;
- канал ва ариқларнинг торайиб қолган ва лойқага тўлиб ўт босган жойларини тозалаш;
- синган, ёрилган ва ишдан чиққан сув иншоотларини таъмирлаш;
- сув оқимини ростловчи ва сув ўлчовчи иншоотларни таъмирлаш каби ишларни амалга ошириш лозим.

Суғориш тармоқларининг таъмирталаб иншоотларни аниқлаш учун фермерлар ва сув истеъмолчилари уюшмалари мутахассислари визуал кузатувлар ўтказишлари лозим. Бунда суғориш каналлари ва улардаги гидротехник иншоотларнинг бузилган, синган ва қўпорилган жойлари аниқланиб, таъмирлаш-тиклаш ишлари режалаштирилади.

Суғориш каналлари ва ариқларнинг лойқага тўлган ва ўт босган жойларини тозалаш долзарб масала саналади.

Айниқса, Амударё дарёси ҳавза-сидаги канал ва ариқларнинг кўпчилигини лойқадан тозалаш доимий равишда талаб этилади. Йирик каналларда тўпланиб қолган лойқа-чўкиндиларни йўқотиш кўп харажат талаб қилганлиги боис улар капитал тадбирлар сифатида амалга оширилади.

Кичик канал ва ариқларни лойқа ва бегона ўтлардан тозалаш ишларини ҳашар йўли билан амалга ошириш мумкин. Бу ишни пахта ва ғалла мавсуми ораллигидаги қисқа муддатда (20 августдан 1 октябрга-ча) бажарган маъқул.

Суғориш тармоқларининг, айниқса, бетонланган ва нов ариқларнинг синган, ёрилган ва тешилган жойларини таъмирлаш ва ямаш учун маҳаллий шароитда ишлаб чиқариладиган материаллардан фой-

даланиш мақсадга мувофиқ. Бунда САНИИРИ институти тавсия қилган битум ва акрил смолаларидан фойдаланиш технологиясини қўллаш ҳам яхши самара беради.

Ҳар қандай гидротехник иншоот ва улардаги жиҳозлар ишлатилгани сайин емирилиб, занглаб ва эскириб боради. Мазкур ҳолат кучайиб кетмаслиги учун ўз вақтида профилактик-тузатиш ишларини олиб бориш талаб этилади. Иншоотлардаги носозликлар, бетонларнинг емирилиши, кўтармаларнинг ювилиши ва чўкиши каби ҳолатларга бошланиш давридаёқ эътибор қаратилиб, вақтида бартараф қилинса, кейинчалик улар жиддий тус олмайди. Сув иншоотларни иш ҳолатини таъминлаш учун қуйидаги таъмирлаш-тиклаш ишларни бажариш талаб қилинади:

- зичлагичлар текширилиб, ишдан чиққанлари алмаштирилади;
- иншоотлар болт ва гайкалари текширилиб, қотирилади;
- занглаган юзалар тозаланиб, занга қарши бўёқ суртилади;
- кўтариб-тушириш винтларига солидол суртилади;
- иншоотларнинг электр жиҳозлари кўздан кечирилади, электродвигателлари очилиб, мойланади, контактлари тозаланади;
- редукторга мой қуйилиб, подшипниклари мойланади;
- захирадаги эҳтиёт қисмлар кўриқдан ўтказилади ва ишга яроқлилиги таъминланади.

Сув иншоотларидаги барча дарвозалар таъмирлангандан сўнг, бир неча маротаба ёпилиб-очилиб, ишга яроқлилиги текшириб қўрилади.

Каналлардаги сув ростлаш, тақсимлаш ва ўлчаш иншоотларини ишга яроқли ҳолатга келтириш учун эса:

- барча иншоотларнинг металл қисмларини бўяш, бетон қисмлари кўчган, синган ва ёрилган жойларини ямаш;
- дарвозаларнинг (затвор) кўтарма механизмлари ва сув узатувчи насослар механизмларини мойлаш;
- сув сатҳини кўрсатувчи рейкаларни ишчи ҳолатга келтириш (буёқлаш, таъмирлаш);
- хизмат кўприкларини таъмирлаш;

• канал ва иншоотлар атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш талаб қилинади.

Фермер хўжалиқларининг сувни бошқариш иншоотлари (дарғотлар) ва гидростанцияларни ҳам таъмирлаб мавсумга шай ҳолатга келтириш сувни самарали бошқариш ва фойдаланиш учун замин яратади.

Фермер хўжалиқлари суғориш тармоқларини мавсумга тайёрлаш учун маъсулдорлар ва дала ичидаги барча ариқларни тозалаш ва тиклаш уларнинг зиммасига юкланади.

Бундан ташқари суғориш восита ва анжомларини мавсумга тайёрлаш (турли қувур, насос ва бошқалар), сувга қўшиб бериладиган турли компостларни далаларга чиқариб захира тайёрлаш ҳам фермер хўжалиқларининг сувдан унумли фойдаланишлари учун хизмат қилади.

Жорий йилда ғаллни бир текис ундириб олиш учун тупроқда етарли намликни яратиш мақсадида майдонни уруғ экиш олдиан енгил суғориш тавсия қилинади. Тупроқда нам яратувчи бундай суғоришнинг меъёри ҳар бир ҳудуднинг табиий шароити ва тупроқ турига қараб белгиланади. Оғир ва оғир-созли тупроқларда бундай суғориш меъёри 800–1000, соз ва қумоқ каби енгил тупроқларда эса 700–800 м<sup>3</sup>/га. ни ташкил қилади.

Тупроқда нам яратувчи суғориш самарали бўлиши учун энг аввало суғориш тармоқлари мазкур тадбирини амалга оширишга тайёр бўлиши лозим. Шунинг учун ҳозирги иссиқ кунларда суғориш тармоқларини тўлиқ кўздан кечириш, бузилган жойларини таъмирлаш талаб қилинади. Акс ҳолда, лойқага тўлган, умуман носоз суғориш тармоқлари сувнинг беҳуда сарфланишига ва экин майдонлари сув таъминотини издан чиқишига олиб келади.

Мазкур тадбирлар ўз вақтида сифатли бажарилса, мавсум давомида сувдан самарали фойдаланишга имконият яратилади ва келгуси йил ҳосилини баракали бўлиши таъминланади.

**С. МАМАТОВ,**

САНИИРИ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Ф. ГАППАРОВ,**

бўлим мудири, т.ф.н.

**Ж. АБДУЛЛАЕВ,**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги баш мутахассиси